

Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир



12:17 / 29 март 1273

Олимлар рўзани жароҳатсиз амалиёт деб таъкидлашади. Рўза буйрак ва ўтдаги майда тошларни ҳайдаб муолажа қилади. Ундан ташқари, жигарни муолажа қилиб, асл фаолиятига қайтаради.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, рўза жароҳат амалиёти билан эришила олмаган жумбоқ ва муҳим муолажаларда қўл келган. Аллоҳ таоло *Бақара* сурасининг 184-оятида: «**Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир**», деган.

Шунингдек, рўза юрак ва артериосклероз касалликлари учун ҳам муолажадир.

Мунтазам тартибда рўза тутиб юрган кишининг юраги фаол, иши тартибли бўлиб, узоқ умр кўришига сабаб бўлади. Агар рўза давомида Қуръон эшитиш билан машғул бўлинса, рўза тутиш юқорида зикр қилганимиз артериосклероз касалликлари учун яхши муолажадир. Мана шу ҳолда бардавом бўлинса, Аллоҳнинг изни билан кўплаб касалликларга шифо бўлади.

Аллоҳ таоло *Бақара* сурасининг 183-оятида:

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди.Шоядки, тақво қилсангиз», деган.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рўзадор пайтларида то бир ютум сув ичиб бўлса ҳам оғизларини очмагунларича шом намозини ўқимас эдилар».

Насоий ва Ибн Хузайма ривоят қилишган.

Демак, рўзани очиш вақти киргач, аввал оғизни очиб, сўнгра шом намози ўқилади.

Кимдир футбол бўйича мусобақа яқинлашиб қолганига хурсанд, кимдир Рамазон яқинлашиб қолганига хурсанд. Самога интилган киши билан одамларнинг оёғи орасига интилган одамнинг ўртасида катта фарқ бор-ку ахир!

Рамазон – ғанимат ой эканлигини унутмайлик!